



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 4 октябрь, № 194 (4604)

Шанба

ИСЛОҲОТЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Президентимиз Ислам Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аграр соҳадаги янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари билан танишиш учун 3 октябрь куни Хоразм вилоятига ташриф буюрди.



Ўртимизнинг барча ҳудудлари катори Хоразм вилоятида ҳам деҳқончилик сир-синоатини чуқур биладиган, тупроққа бир қарашдаёқ бўлажак ҳосилнинг чўғини аниқлаб берадиган миришкор деҳқонлар жуда кўп. Зеро, Ўртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда кенг қулоч ёйган фермерлик ҳаракати истиқлолнинг дастлабки йилларида биринчилардан бўлиб ўшбу вилоятда бошланган эди. Утган йиллар самаралари шунинг кўрсатдики, фермерлик ҳаракати барча вилоятлар каби Хоразмликларнинг ҳам ютуқларига ютук қўшди.

Жорий йилдаги сув тақчиллиги билан боғлиқ қийинчиликлар Хоразм вилоятини ҳам четлаб ўтмади. Шундай бўлса-да, вилоят миришкорлари, жонқуяр фермерлар саъй-ҳаракати туфайли пахта далаларида мўл ҳосил етиштирилди.

Президентимиз Богот туманидаги «Богот» фермер хўжалигида бўлиб, дала ишлари билан танишди. Шийонда илгор фермерлар, кишлоқ хўжалиги мутахассислари, вилоят ва туман жамоатчилиги вакиллари билан учрашди.

Ислам Каримов дунёнинг айрим минтақаларидаги сиёсий ва иқтисодий инқирозлар одамлар учун ташвиш туғдираётган бугунги шароитда мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик ва барқарорлик кишиларимизни бунёдкорликка, эзгу ишларга руҳлантираётганини алоҳида таъкидлади.

Истиқлол йилларида Ватанимиз келажагини, халқимизнинг бахтининг ўйлаш, шу йўлда меҳнат қилиш ҳар бир юртдошининг ҳаётининг маъно-маънавиятига айланди, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони, Гурлан туманидаги 5-мактаб директори Анора Маҳмудова. — Янги ўқув йили арафасида вилоятимизда битта янги мактаб қурилди, 95 мактаб қайта реконструкция қилинди.

Юртбошимиз вилоятда фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйганига эътибор қаратиб, бу борадаги ўзгаришларнинг навбатдаги босқичи ҳақида тўхталди. Мамлакатимиз бўйлаб фермерлик ҳаракатини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш жа-

раёни давом этмоқда. Хозирги кунда йirik фермер хўжаликлари ишни самарали ташкил этиш эвазига мўл ҳосил олиб, мўмай дармад топмоқда. Бу, ўз навбатида, уларнинг имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Улар зарур техникани харид қилиш, етарлича ишчи кучини жалб этиш, агротехника тадбирларини тўлиқ бажариш, тупроқ унумдорлигини муттасил ошириб бориш имконини бермоқда. Кичик фермер хўжаликларида эса бундай имкониятлар чекланган.

Хоразмда ҳам фермерлик ҳаракати кишлоқ хўжалигининг энг мақбул ва самарали тизими сифатида ўзини намоён этди. Фермерлик туфайли аграр соҳанинг ночор аҳоли барҳам топди, — деди Ислам Каримов. — Шундай экан, бу ҳаракатнинг навбатдаги муҳим босқичини амалга оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Айрим кичик фермер хўжаликлари билан рақамли чора-тадбирлар кишлоқ хўжалиги тизимида иш юритиш

маданиятини оширишга, фермерлар имкониятини кенгайтиришга, соҳада олиб борилаётган ислохотлар самардорлигини янада кучайтиришга хизмат қилади.

ЛАТВИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерс 5-7 октябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ўзбекистон — Латвия:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Латвия Республикаси Европа қитъасининг шимоли-шарқиди, Балтик денгизининг шарқий соҳилида жойлашган. Мамлакат ҳудуди қарийб 64,6 миң квадрат километрга тенг, аҳолиси — 2,27 миллион киши, пойтахти — Рига шаҳри. Миллий байрами — Латвия Республикаси ташкил топган кун (18 ноябрь).

Қонунчилик ҳокимияти юз кишидан иборат бир палатали Сеймга тегишли. Ижроия ҳокимиятини эса Президент томонидан тайинланган Бош вазир амалга оширади. Ҳукуматнинг ҳозирги таркиби 2007 йил 20 декабрда Сейм томонидан тасдиқланган бўлиб, амалдаги Бош вазир Иварс Годманис.

Латвия — парламент республикаси. Давлат раҳбари президент бўлиб, у мамлакат Сейми (парламенти) томонидан тўрт йил муддатга сайланади.

Латвияни 2007 йил 8 июлдан буён Президент Валдис Затлерс бошқариб келмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекингилсанот» компанияси бошқаруви раиси Р. Рўзиқулловнинг соҳани модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириб бериш бўйича ахбороти тингланди.

Йилгилида мамлакатимиз саноатида «Ўзбекингилсанот» компаниясининг алоҳида ўрни бор эканлиги таъкидлаб ўтилди. Бугунги кунда мазкур компания 196 та корхона ва ташиқлотларни бирлаштиришга бўлиб, улар орасида тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж, чиниласлик ва ипақчилик корхоналари мавжуд. Шунингдек, ташкил этилган 100 дан ортиқ қўшма ҳамда хорж корхоналарига Германия, Швейцария, Жанубий Корея, Япония, Туркия, АҚШ, Хиндистон каби энгил саноати ривожланган мамлакатларнинг илгор техника ва технологиялари жалб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида»ги қарори бу соҳани ривожлантиришда кенг имкониятлар очиб берди. Енгил саноат корхоналарининг технологик жараёнларини янгилаш ва модернизация қилиш концепцияси қабул қилинди. Унга кўра, 473,45 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги 66 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

Анжуман чоғида айтилганидек, мазкур дастур доирасида «Ўзбекингилсанот» компанияси томонидан 51 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилган бўлиб, 269,2 миллион АҚШ доллари миқдоридида чет эл инвестицияси жалб этилган. 12 та лойиҳа бўйича молиялаштириш, ишлаб чиқариш майдонларини тайёрлаш ва ускуналарни етказиб бериш ишлари олиб боришмоқда. 3 та лойиҳа бўйича эса тижорат банклари билан музокаралар ўтказилмоқда ва лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Йилгилида катнашчилари мамлакатимизда матолар ва тайёр кийимларни ишлаб чиқариш, кичи бозорда импорт қилинадиган кийимларнинг қўлайлигини, бугунги кунда тўқимачилик маҳсулотларини сотиш уюмий ҳажмида импорт улуши 50 фоиздан ортиқ эканлигини алоҳида таъкидладилар. Айни пайтда соҳада қўлланиладиган стандартлаштириш бўйича меъърий ҳужжатларни истеъмол талабларининг замонавий даражасига ва уларни баҳолаш мезонларига мувофиқлаштириш бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар айтилди.

Анжуман иштирокчилари маҳаллий бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган енгил саноат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш учун бозор эҳтиёжини ўрганган ҳолда ишлаб чиқаришни янада кучайтириш лозимлигига эътибор қаратдилар.

3. ХУДОЙШУКУРОВ.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Майлукми, 2008 йилнинг 30 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» 551-сонли қарор қабул қилди.

Фуқаролар йиғинларига сайлов: МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР ТАРАДДУДИ

Қарорда 2008 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш белгиланди. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинди. Бу сайлов «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганидан кейинги иккинчи сайловдир.

Узбекистоннинг барча шарча, кишлоқ ва овулларида, шунингдек, шаҳар, шаҳарча, кишлоқ ва овуллардаги маҳаллаларда фуқаролар йиғинларининг 9 миңдан зиёд раисларини сайлаш керак бўлади. Сайланадиган маслаҳатчилар сони эса 90 миң атрофида бўлиши кутилмоқда. Демак, аҳоли кенг қатлами вакилларининг қанчалик кенг давра эканлигини ва улар зиммасига жойларда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида нечоғли масъулиятли вазифалар юклатилганини тасаввур қилиш қийин эмас. Фуқаро-

ларнинг ўзини ўзи бошқариш органиларига сайлов ижтимоий-сиёсий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш ҳамда олиб борилаётган демократик ислохотларда фуқароларнинг ижтимоий-хўжалиқ фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлидаги муҳим босқич ҳисобланади.

ЗАМОНАВИЙ ФЕРМЕР ИШБИЛАРМОН БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз кишлоқ хўжалигида Президентимиз раҳнамолигида ва ташаббуси билан туб ислохотлар амалга оширилгани ўз самарасини бермоқда. Жумладан, фермерлик ҳаракати жорий этилиши натижасида ер ҳақиқий эгасини топди.

Биз бу йил 100 гектар майдондан 510 тонна уруғлик галла йиғиштириб олдик. Шунинг беванд тўрт қосмини шартномавий режа асосида давлатга топшириш қолганини ўзимизга олиб қолдик. Гировардиди 70 миллион сум миқдоридида соф фойда кўрдик. Бунинг эвазига хўжалигимиздаги техниклар сонини кўпайтирдик, 30 бош қорамол сотиб олдик. Айни кезларда эса 96 гектар майдондаги пахта ни нест-нобуд қилмай саранжомлаб олиш чораларини кўраямиз.

Бир рақам шарҳи

АЛОҚА ХИЗМАТИ КЕНГАЙМОҚДА

2008 йилнинг биринчи ярми мобайнида мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари даражаси 145,6 фоизга ўсди.

Утган даврда республикамизнинг барча ҳудудларида мобил алоқа хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш юзасидан қўрилган аниқ чора-тадбирлар мазкур соҳани янада ривожлантириш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида давлатимиз раҳбари "Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб боргани сари давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтказиш зарур. Бу борда ўзини ўзи бошқарадиган идораларнинг маҳаллаликнинг нуфузини ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этади. Фуқаролик жамиятининг мустақам асосларини барпо этиш йўлидаги ишларимизнинг мазмун-моҳиятини ҳам айнан шу масала ташкил қилади", деган эди.

Биз учун фуқаролик жамияти, бу — шахс манфаатларини, унинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини имкон қадар тўла рўёбга чиқаришга қўмаклашувчи, қонун устуворлик қиладиган ижтимоий макондир. Ҳар қандай ижтимоий тузумнинг демократик мазмуни, авваломбор, унда аҳоли кенг қатламларининг давлат бошқарувига иштироки масаласи қандай ҳал этилгани билан белгиланади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали фаолият юриштириши жамиятнинг ислоҳ қилиш жараёнига аҳоли кенг қатламларининг ташаббускорлигини ҳамда халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятига имкон қадар кўпроқ жалб этиш имкониятини беради. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари маҳаллалар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларда олиб бориладиган ишларнинг аҳолини, умуман, ҳар бир кишининг қайғитгани яхши билган ҳолда ҳама қўллаб-қўллаб имтиҳоний ва бошқа масалаларни ҳал эта оладилар.

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларисиз нодавлат

нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг ахлит бар бўлиши тизимини ҳамда ҳуқуқий фуқаролик жамияти қурилиш тасаввур этиб бўлмайди. Халқнинг ўз ташаббускорлиги ва ижодкорлиги билан барпо этилган бундай йиғинлар маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг жаҳон амалиётида ўқшаши

Фуқаролар йиғинларига сайлов: МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР ТАРАДДУДИ

йўқ бўлган ноёб миллий шакли ҳисобланади.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1993 йилда илк бор қабул қилинган эди. 1999 йилда эса Олий Мажлис томонидан ушбу Қонун яна такомилга етказилиб, янги тахрирда қабул қилинди. 2004 йилда эса "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Шундай қилиб, бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳуқуқий негизи тўла шаклланди, дейиш мумкин. Эндиликда бизнинг асосий вазифамиз қонун ҳужжатларида берилган катта ҳуқуқларни амалда кенг миқёсда рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Булажак сайлов кампаниясини муваффақиятли ўтказиш, аввало, Қоракалпоғистон Республикаси Ҳужумчи Кенгаши, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари томонидан тўзатиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи

Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссияларида, шу жумладан, ҳар бир фуқаролар йиғини ёки унинг кенгаши қарори билан тўзатиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича

ишчи гуруҳларига боғлиқ.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига ташкилотчилик қобилиятига эга, халол, билимдон, таҳрибкор ҳамда аҳоли ўртасида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган кишилар сайланиши мумкин. Ана шундай кишиларни аниқлаш мақсадида айрим жойларда маҳалла ахли ўртасида олдидан ижтимоий сўров ўтказган маълум бўлар эди. Номзодлар сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ масалаларини яхши билиши, янгича фикрловчи кишилар бўлмоғи даркор. Ушбу лавозимларга фақат ёши катта кишилар эмас, балки катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ташаббускор ёшлар ҳам номзод қилиб кўрсатиш мумкин. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган мураккаб масъулиятли вазифаларни ҳал этиш, аҳоли билан ишлашга шайлиги ва уларни ўз ортидан эргаштира олиш маҳорати номзодларнинг асосий хислати бўлмоғи керак.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш Олий Мажлис Сенатининг аъзолари ҳамда халқ депутатлари ви-

лоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг фаол иштироки ўз сайловчиларнинг эътиёблари, муаммоларини янада яхшироқ билиш, долзарб ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалаларни ҳал этишда уларга амалий ёрдам кўрсатиш учун яна бир имконият яратлади. Бунда депутатлар ўз фао-

ратимизни бирлаштирмоғимиз керак. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ҳаммамиз учун демократия, сиёсий фаоллик ва фуқаролик мактаби бўлмоғи лозим. Унда иштирок этиш, албатта, иштирийдир. Биз лоқайд ва сусткаш шахсларни уйдудан уйдетишимиз, уларни жамиятнинг ислоҳ қилиш жараёнига жалб этмоғимиздалик қайғитганидан бўлиши шарт.

Энди ҳамма нарсани одамларнинг ўзини ўзи бошқариш, ташаббускорлик, ишбилармонлик ҳуусиятларига боғлиқ. Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови чинакам демократия ва мўқобилият асосида ўтиши жуда муҳим. Номзодлар кўрсатиш, овоз бериш ва унинг яқунларини чиқариш қонун ҳужжатларига ва демократик тамойилларга қатъий мувофиқ тарзда охирига ўтказилиши зарур.

Сайловни тўлақонли ташкил этиш, аҳоли ўртасида кенг тўшутириш ишларини олиб бориш фақат матбуот, телевидение ва радио ҳодимларининг фаол иштирокидагина амалга ошиши мумкин. Туртинчи ҳошимият булажак сайлов кампанияси жараёнида ошкоралик ва қонунийлик муҳитини яратишда муносиб ўрни тўғридан даркор. Фақат шундагина биз бундай муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни ўтказиш пайтида чинакам ошкоралик, адолат муҳитини яратган бўламиз.

А. БОБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссия аъзоси.

Барчамизнинг мақсадимиз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришдир. Шунинг учун ҳам биз ҳаммамиз бундай маъсулиятли паллада қўч-ғай-

кайд этдилар. Журналистика ишининг замонавий услублари ва шакллари пухта билдирилган, мамлакатнинг бугунги ҳаётини ёритиб, кенг ва ҳар томонлама ёрлик, одамлар онгу шуғрида демократик қадрларнинг шакллантириш ва мустақамлашга фаол таъсир кўрсатишга қодир журналист кадрларни тайёрлаш борасида ишларни янада такомиллаштириш талаб этилишини таъкидладилар. Оммавий ахборот воситалари билан марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги мулоқотни янада ривожлантириш, бу борда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш зарур.

Анжуманда Ўзбекистон ва Европанинг ривожланган мамлакатлари журналистлари, ахборот пертларининг ижодий ҳамда амалий алоқаларини янада ривожлантириш, ушбу жараёнда олиб бориладиган таълим ва мутахассислар иштирокида мустақил оммавий ахборот воситаларини

ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар каби мулоқот шаклларида фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Хорижий мутахассислар халқаро семинар доирасида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда "Uzbekistan Today" газетаси таҳририяти фаолияти билан танишдилар. У ерда нодавлат теле ва радиоканаллар тармоғи журналистлари иштирокида давра суҳбати, Ўзбекистон мустақил ахборот агентликлари ва босма оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат бўлиб ўтди.

"Оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш жамиятнинг демократлаштиришнинг муҳим омил" мавзусидаги халқаро семинар Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги мулоқот доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни чўқурлаштириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

(Ў.А.)

Яхши харбарлар

«Маърифатли юрт фарзандларимиз»

Жиззахда «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши, республика «Меҳмурмурув» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда ўрта махсус касб-хунар бошқармаси ёшлар ўртасида ана шундай номланган кўрик-танлов ўтказди.

Тадбирда вилоятдаги 50 дан зиёд касб-хунар коллежлари ва лицейлар ўқувчилари беллашувида 8 нафар гўлиб ўзаро кўч синнади. Гўлиблик Жиззах туманидаги маънавий хизмат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиси Маънавий Холматовга насиб этди. Анасоғи туманидаги иқтисодиёт касб-хунар коллежидан Орзул Усмоилова, Ёлпояр туманидаги Гулистон қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежи ўқувчиси Фотима Оминова иккинчи ва учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Муаллимлар ибрат

Муйноқ туманидаги 5-ўрта мактаб жамоаси болаликдан ногирон беш нафар ўқувчини ҳомийликка олди.

Махсус ўқитувчилар кўмагида, уй шароитида таълим олаётган болакайлари фанларни яхши ўзлаштиришмоқда. Уларнинг энг аълочиси Р. Шериев ҳомий муаллимлар соғваси — замонавий компьютер билан тақдирланди.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Инвестиция ҳисобига янгилашни

Хитойнинг «Huawei Technologies Co» компанияси «Ўзбектелеком» АК миллий телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш ишларини уювлади.

Бу ҳақда «Ўзбектелеком» масъул ходими Жамол Мақсудов журналистларга маълум қилди. Мамлакатимиз миллий телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш учун қиймати 21 миллион АҚШ долларлик лойиҳа амалга оширилди. Айни пайтда ўрнатилган замонавий телекоммуникация жиҳозлари синовдан ўтказилишмоқда. Ж. Мақсудовнинг сўзларига қараганда, тез орада барча технологиялар тўлиқ ишга туширилади. Ушбу лойиҳанинг катта қисми Хитой банки кредити ҳисобига молиялаштирилди.

Ю. БҲРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Оилавий поликлиника ишга тушди

Гулистон шаҳри марказида янги оилавий поликлиника ишга тушди. Энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шифо маскани шаҳардаги «Тараққийёт», «Сайқал», «Намуна» ва Шароф Рашидов номи маҳаллаларда истиқомат қилувчи 10 миң нафарга яқин аҳолига беминнат хизмат кўрсатмоқда.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ — ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Тошкентда 2-3 октябрь кунлари «Оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш — жамиятнинг демократлаштиришнинг муҳим омил» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Унда оммавий ахборот воситалари соҳасида фаолият кўрсатаётган нодавлат ҳокимият ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиз ва Европа Иттифонининг қатор давлатларидан экспертлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистонда демократик янгилашни борасида амалга ошириладиган ислохотлар нуктаи назаридан оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш масалалари, уларнинг мустақилигини мустақамлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятида халқаро ҳуқуқий нормалар ва демократик стандартларни имплементация қилиш таъминлашнинг долзарб муаммолари, фикр эркин ифода этиш, ахборотдан фойдаланиш, Интернетни тартибга солишни таъминлашнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда демократик жа-

тўлақонли иштироки ҳамда гапириш қийин.

Мухокама ва мунозаралар давомида жаҳон амалиётида қўлланиладиган энг юксак демократик стандартларни ўзи учун мезон сифатида белгилаб олган Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш жараёни анжумани қўлаған ҳолда тизимли, боқимча-боқимч ва илҳи амалга ошириладигани қайд этилди.

Мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг самарали меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилди, уларнинг моддий-техника базаси, иқтисодий мустақилиги мустақамланмоқда. Нодавлат оммавий ахборот воситалари, уларнинг ассоциация ва бирлашмалари фаолияти кенг қўламада ривожланмоқда. Бугун Ўзбекистонда турли шаклдаги мингдан ортиқ оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда.

Семинар иштирокчилари ушбу соҳадаги мавжуд объектив қийинчилик ва муаммолар, шунингдек, камчиликлари ҳам

қайд этдилар. Журналистика ишининг замонавий услублари ва шакллари пухта билдирилган, мамлакатнинг бугунги ҳаётини ёритиб, кенг ва ҳар томонлама ёрлик, одамлар онгу шуғрида демократик қадрларнинг шакллантириш ва мустақамлашга фаол таъсир кўрсатишга қодир журналист кадрларни тайёрлаш борасида ишларни янада такомиллаштириш талаб этилишини таъкидладилар. Оммавий ахборот воситалари билан марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги мулоқотни янада ривожлантириш, бу борда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш зарур.

Анжуманда Ўзбекистон ва Европанинг ривожланган мамлакатлари журналистлари, ахборот пертларининг ижодий ҳамда амалий алоқаларини янада ривожлантириш, ушбу жараёнда олиб бориладиган таълим ва мутахассислар иштирокида мустақил оммавий ахборот воситаларини

ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар каби мулоқот шаклларида фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Хорижий мутахассислар халқаро семинар доирасида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда "Uzbekistan Today" газетаси таҳририяти фаолияти билан танишдилар. У ерда нодавлат теле ва радиоканаллар тармоғи журналистлари иштирокида давра суҳбати, Ўзбекистон мустақил ахборот агентликлари ва босма оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат бўлиб ўтди.

"Оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш жамиятнинг демократлаштиришнинг муҳим омил" мавзусидаги халқаро семинар Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги мулоқот доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни чўқурлаштириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

(Ў.А.)

Кўркем ва шинам уйлар — юрт файзи

«Сирдарёғиштсановат» масъулияти чекланган жамияти вилоятда бунёдкорлик ишларини маҳаллий қурилиш ашёлари ҳисобига ривожлантириш мақсадида ўтган йили ташкил этилган эди.

Интилиш

Ғишт заводи очилиши билан бу ерда 32 киши ишли бўлди. Корхона қурилиш объектлари ҳар ойда 800-900 миң донга аъло сифатли пишиқ ғишт етказиб бормоқда.

— Корхонамиз ўз фаолиятини тез орада янада кенгайтиради, — дейди завод иш юритувчиси Насибали Сулаймонов. — Ҳозирги кунда яна битта ғишт линиясини қураямиз. Шу мақсадда Хитойдан энг янги технологияларни сотиб олиб келдик. У ишга тушган, яна 70-80 нафар янги ишчи қабул қилинади ва ишлаб чиқаришимиз самарадорлиги 2-2,5 хиссага ошади.

СУРАТДА: иш юритувчи Н. Сулаймонов ва корхона ишчиси И. Норжигитов маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

ОДИЛЛИК МЕЗОНИ

Ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосини қабул қилинган ва қилинаётган пишиқ-пукта қонунлар ташкил этади. Зеро, ҳар иккала палата томонидан тайёрланган қонунлар бугунги тараққийимизни жадаллаштиришга, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизни яхшилашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 23 июнда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2008 йил 28 августда маъқуллашган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ҳам ана шундай муҳим ҳужжатлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида киритилган ўзгаришларга кўра, кодексга янги 241-модда (жиноятни ҳисобга олишдан қасддан қириш жинояти) киритилди.

Қонун кучга кирди

Маълумки, Жиноят-процессуал кодексининг 322-моддасига асосан, жиноят иши қўзғатиш учун шахсларнинг аризалари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар ҳамда оммавий ахборот воситалари берган хабарлар, жиноят содир этилганлигини қўрсатувчи маълумотлар ва ишларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи аниқловчи, айбни бўйича олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади. Жиноят белгилари мавжудлигини қўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун асосдир.

Шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Ёзма ариза арз қилувчи шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар жиноят тўғрисида берган хабарлар асосида берган хабарлар асосида хизмат хати ёки тасдиқланган телепрограмма, телерама ёхуд радиোগрамма шаклида бўлиши керак.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 322-моддасига кўра, жиноятта оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол ёки уш сўтқадан кечиктирмасдан (жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёки суриштирув органи алоҳида таъкидлаш шартли зарурати бўлган тақдирда эса ўн сўтқадан кечиктирмасдан) қўриб чиқилиши лозим. Ушбу муддатлар жиноятта оид хабар олган пайтдан бошлаб то ишни қўзғатиш ёки

қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жиноятта оид маълумотлар олган ёки бундай маълумотларни бевосита ўзлари аниқлаган вазиятда жиноят ишини қўзғатиш ёки ишни қўзғатишни рад қилиш ёхуд ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида қарорлардан бирини қабул қилади.

Илгари бундай турдаги жиноят-процессуал кодексининг 322-моддасига асосан, жиноят иши қўзғатиш учун шахсларнинг аризалари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар ҳамда оммавий ахборот воситалари берган хабарлар, жиноят содир этилганлигини қўрсатувчи маълумотлар ва ишларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи аниқловчи, айбни бўйича олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади. Жиноят белгилари мавжудлигини қўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун асосдир.

Шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Ёзма ариза арз қилувчи шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар жиноят тўғрисида берган хабарлар асосида берган хабарлар асосида хизмат хати ёки тасдиқланган телепрограмма, телерама ёхуд радиোগрамма шаклида бўлиши керак.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 322-моддасига кўра, жиноятта оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол ёки уш сўтқадан кечиктирмасдан (жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёки суриштирув органи алоҳида таъкидлаш шартли зарурати бўлган тақдирда эса ўн сўтқадан кечиктирмасдан) қўриб чиқилиши лозим. Ушбу муддатлар жиноятта оид хабар олган пайтдан бошлаб то ишни қўзғатиш ёки

Шероз АБДУҚОДИРОВ,
Тошкент давлат юридик институти жиноят ҳуқуқи ва криминалистика кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди.

ЗАМОНАВИЙ «ФЕРМЕР» ИШБИЛАРМОН БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мулоқот асосида бирма-бир изоҳлаб бердилар. Аввало, худудимизда фермерлик ҳаракати нисбатан кен бошланганини, шу боис ҳали кўпчилик заминдорлар қаддини тўлатқис ростилаб олмаганини эслатдилар. Иқкинчидан, ақсарият туманларда ерларнинг мегиоратив ҳолати танаблар даражасида эмаслигини, боз устига, алмашлаб экиш ҳам рисоладагидек йўлга қўйилмаганини алоҳида таъкидладилар. Сўнгра бу муаммоларни ижобий ҳал этиш йўл-йўриқларини аниқ ва равшан қўрсатиб бердилар. Бу-дғи фермер фақат деҳқончилик ва қорвақчилик билан ўрлашиб қолмаслиги, балки универсал деҳқон сифатида ҳар жаҳонда бошқаларга ибрат қўрсатиши кераклигини ўқтирдилар.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбари юртимиздаги янгилашиллар қишлоқ ахли ҳаёти ва тафаккурда қандай акс эттаётганига, фермерлар эришаётган натижаларга қизиқиб, сўзларимизни диққат билан тингладилар. Бизни хаммиса қўллаб-қувватлашларини айтиб, ишларимизга ривож тилладилар.

Табиқий, Ўртабўшимизнинг самимий далдаси фермерларимизнинг янги-янги марралар сари уҳдади. Биз бундан кейин ҳам у кишининг ишончини оқлаш, қишлоқ ҳўжалиги ақиллардан мўл-кўл ҳосил этиштириш, эл-юрт раванқига баҳоли қудрат ҳисса қилиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверамиз.

Абдумалик КАРИМОВ,
Оққўрғон туманидаги «Покиза-М» фермер ҳўжалиги раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳиб.

ЧЕКСИЗ ФУРУР БАҒИШЛАДИ

Қутлуг айём — ўқитувчилар ва мураббийлар кунини муносабати билан пойтахтимизнинг муҳташам «Туркистон» санъат саройида бўлиб ўтган тантанали маросимда қатнашдим. Тадбирда Ўртабўшимизнинг устоз ва мураббийларга йўллаган табриқ сўзлари ўқиб эшиттирилаётган маҳал қалбимда чексиз фурур ва ҳаяжон ҳиссини туйдим.

Ифтихор

Унда айтилганидек, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ёш авлодни воёга етказиб қанайтириш, сохта ҳодимларнинг бу йўлдаги машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизимини яратиш борасида юртимиз таълим тизимини изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Зеро, таълим соҳасида олиб борилаётган бундай эзгу ишлар самараси ўларок, биз буткул замонавий, жаҳон андозаларига мос, янги ва муҳташам ўқув биноларига ёшларга сабоқ бормоқдамиз.

Бинобарин, умид ва ишончимиз бўлмиш навқирон авлодни воёга етказиш, ўғил-қизларни гўзал инсоний фазилатлар соҳиб этиб тарбиялашда устоз ва мураббийларнинг ўрни бекиёсдир. Келажақ авлод таълим-тарбиясига масъул ушбу соҳа мутахассисларининг ҳар жиҳатдан юксак малакага эга бўлишини таъминлаш масаласи бугун самарали ечим топаётганини барчамизни қувонтиради. Шу тўғрйли ўқитувчи фаолиятида интёрферал услублар, янги педагогик технологиялардан самарали фой

ЖАҲОН 24 соат ичида

Клубдаги фожио

Танзаниянинг Табора шаҳридаги клублардан бирида вентиляция тизимининг ишдан чиқиши фожио келтириб чиқарди, дейилади "Дейли ньюс" хабарида.




Носозлик туфайли бу ерда ҳаво етишмаслиги кузатилади. Шу боис клубдагилар бинони ёпирилиб тарқ этишга уринган. Оқибатда 19 нафар ўқсмир ҳаётдан кўз юмган, элликдан зиёди жароҳланган.

Маҳаллий полиция вакилларининг айтишича, уша куни бинога мўлжалдагидан икки баробар кўп одам кирган. Бахтсиз ҳодиса сабабли клуб мустақилларидан икки нафари ҳибсга олинган.

Тошқин сабаби — ёмғир

"Рейтер" ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, Никарагуада тинимсиз ёмғир ёғиши сув тошқинларини юзага келтирди.



Шу боис 2,6 мингга яқин одам ҳавфсиз ҳудудларга кўчирилди. Табиий офат етти кишининг умрига зомин бўлган, тўрт киши эса бедарак йўқолган. Об-ҳавони кузатиш маркази ҳодимларининг таъкидлашича, мамлакатда ёмғир яна бир неча кун давом этади.

Нефть нархидаги ўзгаришлар

Пайшанба кунини биржаларда ўтказилган савдолар чоғида нефть нархининг сезиларли даражада пасайгани кузатилади. Бу ҳақда "Ассошиэтед-Пресс" ахборот агентлиги хабарларида айтиб ўтилди.




Тадақи баҳора нисбатан 4,77 АҚШ доллариға қамдир. Нью-Йорк шаҳридаги «NYMEX» биржасида эса «Light Sweet Crude Oil» маркази нефтининг бир баррели 93,97 АҚШ доллари миқдориди қайд қилинган. Бу ерда ҳам нарх 4,56 АҚШ доллариға арзонлашган.

Кўзатишларнинг фикрича, «қора олтин» баҳосининг бундай ўзгаришига бир қанча мамлакатларда юзага келган беқарор иқтисодий вазият сабаб бўлмоқда.

Бойвачча ёзувчилар

Одамларнинг ҳамёнини ҳисоб-китоб қилишни ҳуш кўрадиган «Fogbes» журнали ҳодимлари дунёдаги энг кўп пул топаётган ёзувчилар рўйхатини эълон қилишди.



Унга қўра, рўйхатнинг биринчи погонасини Гарри Поттер ҳақида еттига саргузашт китоб ёзган Жоан Роулинг эгаллаган. У бир йил давомида мазкур нашрларнинг сотувидан 300 миллион АҚШ доллари миқдориди даромад қилган. Айниқса, Жоаннинг шу мавзудаги сўнгги асари жуда оммалашган.

Қирқ тўрт миллион нусхада чоп этилган китобнинг 15 миллион наонаси бир кеча-кундузда ўқувчилар қўлиға етиб борган. Умуман, ёзувчининг ҳозиргача тўплаган сармоясини 4,5 миллиард АҚШ доллари ташкил этади. Рўйхатнинг иккинчи ўрнида Жеймс Паттерсон қайд қилинди. Маълумотда айтилишича, унинг йиллик даромади 50 миллион АҚШ доллариға тенг.

Қаллоблиги ошкор бўлди

Хитойлик дехқон Чжоу Кунлуни сохта суратлар учун жиддий ҳазо кутмоқда. Гап шундаки, ҳукумат агар қимда ким Жанубий Хитой йўлбарсини ёввойи табиат қўйнида суратга олишга муваффақ бўлса, у катта пул муқофоти билан тақдирланишини маълум қилганди.




ри миқдориди муқофот олганди. Аммо суратлар Интернет саҳифаларида жойлаштирилгандан сўнг уларнинг қалбакилиги билиниб қолган. Чунки йўлбарслар сурати туширилган жойлар Хитой ҳудудида аниқланмаган. Энди Чженлун бу қаллоблиги учун қамқоқ ҳазоси ёки катта миқдорда жарима билан ҳазоланиши мумкин.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоиз, Жанубий Хитой йўлбарслари йигирма йилдан бунён мамлакат ҳудудида учрамаётган.

Соатига 259 километр

"Seat" автомобиль компаниясининг Голландия бўлими мазкур русумдаги автоуловнинг юқори тезликда ҳаракатлана оладиган авлодини ишлаб чиқарди.



"Autoblog.nl" Интернет сайти хабарида келтирилишича, «Leon Cupra - 310 Limited Edition» деб номланувчи янги автомобиль 310 от кучига эга бўлиб, соатига 259 километр масофани босиб ўтиш имкониятига эга. Компания вакиллари айтишича, ҳозирча ушбу машинадан 100 дана ишлаб чиқариш режалаштирилган.

«Leon Cupra - 310 Limited Edition»нинг нархи 33 минг евроға баҳоланган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон — Латвия: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

1995 йил июнида Президент Ислам Каримовнинг Латвияға буюрган давлат ташрифи чоғида икки томонлама муносабатларга мустақкам пойдевор қўйилди. Ташриф чоғида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

1996 йилда Латвия Республикасининг собиқ Президенти Гунтис Ульманис Ўзбекистонда бўлди. 2004 йил апрелида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Латвияға иккинчи бор давлат ташрифини амалға оширди.

1995 йилнинг апрелида Латвия Сеймида Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш гуруҳи таъсис этилди. Латвиялик депутатлар мамлакатимизда 2000 йилнинг январиди ҳамда 2007 йилнинг декабрида бўлиб ўтган Президент сайловларида,

шунингдек, 2004 йил декабридаги парламент сайловларида кузатуви сифатида иштирок этишди.

Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий-меъёрий асосини 37 та ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжат ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимға мувофиқ, мамлакатларимиз ўртасида Ўзаро савдода энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий этилган. Ўзбекистоннинг Латвия билан ташқи савдо айланмаси 2007 йилда 123,3 миллион АҚШ доллариға тенг бўлди. Унда мамлакатимизнинг экспорт улуши — 102 миллион долларни ташкил этади. 2008 йилнинг биринчи ярмида ушбу кўрсаткич 279,2 фоизға ўсиб, 142,6 миллион долларға етди.

Экспорт таркибида ёқилғи, нефть ва минераллар ҳамда

уларни қайта ишловчи моддалар, пахта толаси, ўғитлар ва хизматлар асосий ўринни эгалламоқда. Импорт асосини эса механик ва электр асбоб-ускуналари, қора металлдан тайёрланган буюмлар, хизматлар, ёғоч-тахта, фармацевтика ва балиқ маҳсулотлари, органик бирикмалар ташкил этади.

Иқтисодиёт, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Латвия ҳукуматлараро комиссияси савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг амалий механизми ҳисобланади. Мазкур комиссиянинг 4-йигилиши 2008 йилнинг 28-29 апрел кунлари Рига шаҳрида бўлиб ўтди. 6 октябрда Тошкентда икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум ўтказилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда Латвия сармоядорлари иштирокида 19 та корхона фаолият юритмоқда.

Уларнинг 2 таси тўлалиғича Латвия капиталли асосида ташкил этилган. Мазкур корхоналарнинг асосий фаолияти электроника, дастурлаш жиҳозлари ва радиоалоқа воситалари, умумий машинасозликда қўлланиладиган буюмлар, тикув дастгоҳлари, мебеллар ва ипақ маҳсулотлар ишлаб чиқаришға қаратилган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиғида Латвиянинг 8 та фирмаси ваколатхонаси аккредитациядан ўтказилган. Ўзбекистонда Латвиянинг «Парекс Банк» ваколатхонаси ҳам ишлаб турибди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Тошкент — Рига — Нью-Йорк» йўналиши бўйича ҳаво қатновини мунтазам амалға ошириб келапти.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги

ҳамкорлик ҳам муваффақиятли кечмоқда. 2004 йилда Президентимиз Ислам Каримовнинг Латвияға буюрган ташрифи доирасида Рига шаҳрида Мирзо Улуғбек ҳайкали, 2006 йилнинг ноябрида эса Абу Али ибн Синонинг ёдгорлиғи ошилди.

Латвиянинг миллий опера театри билан Ўзбекистоннинг Алишер Навоий номидаги опера ва балет давлат академик катта театри ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилган бўлиб, жадал ривожланиб бормоқда.

Икки мамлакат шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам ўзаро муносабатларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, 2004 йил апрелида имзоланган Тошкент билан Рига ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида икки пойтахт самарали шериклик алоқаларини амалға ошириб келмоқда.

Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерсин мамлакатимизға бўлажак давлат ташрифи икки томонлама муносабатларимизни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришға, давлатлараро муносабатларни янги босқинға кўтаришға хизмат қилиши, шубҳасиз.

Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА.

ЯЙЛОВЛАР БАРАКАСИ

Туман қишлоқ ва сув ҳўжалиғи бўлиминдан маълум қилишларича, Нурободда 376 минг гектардан ортиқ яйлов мавжуд. Бу ерда 130 минг бош қорақўл қўйи боқилади.

Мутахассислар ҳар бир қўйни кўнгилдагидек парваришлаш учун 1 гектар яйлов етарли, дейишади. Демак, туманда яйлов муаммоси йўқ: ҳар бош қўйға салкам 3 гектар майдон тўғри келади.

Қорақўлчилик

Шу боис қорвадорлар бу йилгидек мураккаб шариоатда ҳам 64094 бош совлиқдан тўлиқ қўзи олишди. Шунинг 45 мингдан ортиғи ўстиришға қолдирилди, 20 мингта қорақўл тери тайёрланди.

Қўпон-қўйлар жорий йил қиш мавсумиға баҳордаёқ тайёрларлини бошлаб юборишганди. Асосий эътибор озуқа қаратилиб, етарли миқдорда сомон ва беда гарамланди. Қўра ва қўтонлар тўлиқ таъмирланди.

Тумандаги «Саҳобаота» ширкат ҳўжалиғи вилоятдаги илғор ҳўжалиқлардан ҳисобланади. Айни пайтда бу ерда 40 минг бош қўй боқилапти.

Худудимизда Ўзбекистон қорақўлчилик ва қўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг тўғридан-тўғри иштирокида таъриҳи аниқлаш бор, — дейди ҳўжалиқ раҳбари Р. Усанов. — Бу ерда қўл ўсимлиқлари уруғчилиғи синондан ўтказилади. Олимларнинг илмий изланишлари туфайли яйловларимиз озуқа экинлари билан тобора бойиб бораёпти. Бу қорақўлчиликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётти.

Абдурауф САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН — БОЛАЛАР НИГОҲИДА»

Лондон шаҳридаги Кириллик коллежида шундай мавзуда фотокўргазма очилди. Мазкур тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Буюк Британиянинг «Pro Art & Co» жамоат ташкилоти ҳамкорлиғида ташкил этилган.

Фотокўргазма британияликларни юртимиз ҳаёти, миллий санъатимиз ва маданиятимиз, бебаҳо аъёнларимиз билан яқиндан таништиришға хизмат қилади. Намойишдан жой олган суратлар юртимиздаги санъат мактабларининг иқтидорли ўқувчилари, Мехрибонлик уйлари, «Янги авлод форуми» ҳамда «Эски шаҳар» болалар ижодиёти марказлари тарбияланувчилари ижодига таллуқлидир.

— Кўргазмага тақдим этиш учун мингдан зиёд фотосурат орасидан 120 та энг намунасини танлаб олинди, —

Истеъдодлар бормисиз, омонмисиз?

дейди «Фонд форум» жамғармасининг маъсул ходими Фозила Ашурова. — Келгусида кичиктойларимизнинг ушбу кўргазмага намойиш этилган асарларига бағишлаб махсус журнал чоп этишни режалаштирганмиз. Эътиборли томони шундаки, кейинги йилларда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси жаҳоннинг турли мамлакатларидаги йирик тадбир ва лойиҳаларға бош қўшиб, юр-

тимиз маданияти ва санъати довуғини юксалтиришға хизмат қилмоқда. Қувонарлиси, жамғарманинг ёш авлод истеъдодини қўллаб-қувватлаш, ўғил-

қизларнинг ижодий салоҳиятини кашф этиш ва ривожлантиришға қаратилган лойиҳалари нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан муносиб эътироф этилаётти. Бинобарин, ЮНЕСКО, Британия Кенгаши, Япония Фонди, Япониянинг халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиғи (JICA), Германиянинг Гёте институти, Швейцария ҳамкорлик агентлиғи ва бошқа халқаро ташкилотлар фикримизға мисол бўла олади.

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

Республика Кўчмас мулк биржаси нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

Республика Кўчмас мулк биржаси Қорақалпоғистон Республикаси филиали

такрорий аукцион савдосига ҚР ЖИБ Мўйноқ тумани судининг 2007 йил 27 декабрдаги қарорига асосан, Нўкус шаҳри суд ижрочилари томонидан хатланган, Нўкус шаҳри, Хўжайли гузари, Давлат божхона «автомобиллар турар жойида» сақланаётган, давлат фойдасига мусодалар қилинган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, ишга яроқли, давлат рақами В14015, «Мерседес бенц 1317» маркази юк автомашинаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 60 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 24 октябрь кунини соат 11.00 да ўтказилади.

Республика Кўчмас мулк биржаси Фарғона вилояти филиали аукцион савдосига қўйидаги мулклар қўйилмоқда: 1. Фарғона вилояти ҳўжалиқ судининг ижро ҳўжатларига асосан, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар суд ижрочилари томонидан хатланган, Қўқон шаҳри, Туркистон кўчаси, 2-«А» уйда жойлашган, қарздор «10-автомобил саройи» ОХЖға қарашли бино-иншоотларнинг бир қисми, қурилиш эгаллаган майдони—1159,95 кв.м, фойдаланиш майдони — 9801,68 кв.м. Бошланғич баҳоси — 486 601 000 сўм. 2. Фарғона шаҳар хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариуснинг 2008 йил 26 август кунги 2777-сонли ижро ҳўжжатиға асосан, Қўқон шаҳар суд ижрочилари томонидан хатланган, «СОFAPEL» русумли косметик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи дастгоҳ, (янги, ишлатилмаган), сақланиш жойи — Қўқон шаҳар «Механика заводи» ОАЖ оғибори. Бошланғич баҳоси — 176 074 873 сўм. 3. ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2008 йил 28 февраль кунги 2-05-08-сонли ижро ҳўжжатиға асосан, Езёвон тумани суд ижрочилари томонидан хатланган, М. Хатамовға қарашли, Езёвон тумани, Қоратепа қишлоғида жойлашган «Ситора» чойхонаси бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 150 290 025 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 12 ноябрь кунини соат 11.00 да Фарғона шаҳри, М. Қосимов кўчаси, 35-уйда ўтказилади.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган мулклар билан тегишли туман (шаҳар) СИБ вакили иштирокида бевосита жойиға чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. РКМБ Қорақалпоғистон Республикаси филиали такрорий аукцион савдосида иштирок этиш талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг Қорақалпоғистон филиали (савдо ташкилотчисининг) қўйидаги ҳисобрақамиға ўтказишлари шарт: «Миллий банк» Қорақалпоғистон филиали х/р: 20210000100571452055, МФО: 00582, ИНН 200933850.

Кўшимча маълумотлар учун манзил: Нўкус шаҳри, А. Шомуродова кўчаси, 117-«Б» уй. Тел.: (8-361) 222-84-44.

РКМБ Фарғона вилояти филиалининг очиқ аукцион савдосида иштирок этиш талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда РКМБ Фарғона вилоят филиалининг «Халқ банки» амалиёт бўлимидаги қўйидаги ҳисобрақамиға тўлашлари шарт: 20210000700571452023, МФО 00497, ОКОНХ 83300, ИНН 200933850.

Лицензия: DB 001 №000004. Кўшимча маълумотлар учун телефон: 214-62-34, (8-373) 224-68-70; Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустақкам!

РАСМИЙ ЭКСПОРТЧИ ДИЛЕР — «GRAND MOTORS» МЧЖ

TOYOTA ва LEXUS

русумли автомобилларни сотади ҳамда сервис хизмати кўрсатади.

Кафолат: TOYOTA — 12 ой ёки йўл босиши 30 минг км.; LEXUS — 24 ой ёки йўл босиши 50 минг км. Тўлов шакли — турлича. Лизинг.

Автосалон манзили: Тошкент ш., Беруний к., 2-уй. Тел./факс: 129-10-23 (24), моб. (+99897) 753-33-33. E-mail: grandmotorsuz@gmail.com

MDIS in Tashkent Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти

2008-2009 ўқув йили учун абитуриентларни кўп босқичли ИНГЛИЗ ТИЛИ ва IELTS тизими бўйича академик инглиз тили ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА тақлиф қилади.

Кўшимча маълумот учун қўйидаги манзилға мурожаат қилинг: 100027, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдқор шоҳқўчаси, 28. Тел.: 276-90-94, 276-92-39. Омадли келажакка биз билан эришинг!

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

РЕСПУБЛИКА Кўчмас мулк биржаси АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Андижон вилояти ҳўжалиқ судининг 2007 йил 24 майдаги 17-0707-2730-сонли ижро варақасига асосан, Андижон шаҳар СИБ томонидан савдоға қўйилган, Андижон шаҳри, Саноат кўчаси, 284-уйда жойлашган «Ўзросулғуржисавдо» ИЧСКға қарашли, умумий қурилиш майдони 1688,26 кв.м.дан иборат А-литерда маъмурий бино, Б,Б1-литерда оғиборхона биноси, Б2-литерда бостирма, В-литерда идора биноси, Г-литерда идора биноси, Д-литерда меҳмонхона биноси, Е-литерда бостирма, К-литерда ёрдамчи бино, Г1-литерда бостирма, А1-литерда бостирма, Л-литерда трансформатор биноси қўйилмоқда. Бошланғич нархи — 96 509 333 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 28 октябрь кунини соат 11.00 да Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 30-уйда ўтказилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойиға чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истағидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асакабанк» Андижон вилояти филиалидаги ҳисобрақамиға тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО 00069, ИНН 200933850.

Лицензия: DB 001 №000004. Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8 374) 224-48-53, 224-37-86.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустақкам!

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиғини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти замонаси директор ўринбосари Халим Болтабоевға акаси Абдуҳалим БОЛТАБОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК «Ахборот» инфоформацион дастурлар бош муҳарририятни мухбир-репортери Шерали Қўлимуродовға акаси Уролдан ҚўЛИМУРОДОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлиқ билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари педагогика ва психология кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори Соғина Файзуллоева ўғли Ринат ФАЙЗУЛЛИНнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат Техника университети, энергетика факультети жамоаси электр станциялари, тармоқлари ва тизимлари кафедраси доценти Илҳом Сиддиқовға падари бузруквори ҲАКИМ отанинг вафот этганини муносабати билан ҳамдардлиқ изҳор этади.

Кўнгил жиёбони

Икбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

Аввал келти, кўрми Ўзбекистонини

Йироқларда дундирасиз ёлғони,
Учирасиз, кундирасиз ёлғони.
Эй, тўнни чап кийган жанола,
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонини.

Ман-ман дея кўксингизга урибсиз,
Тоғ деб ўйлаб, яйдоқ қирда юрибсиз,
Абу Райҳон топан ерда юрибсиз,
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонини.

Маънавият уммонда дур тердик,
Майё бўлиб йўлсизларга йўл бердик,
Мухтож қолган ганимга ҳам қўл бердик,
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонини.

Тарихларга савол ҳар бир биноси,
Ҳар қадамда даҳоси, алиёси,
Дароғизини олар Ибн Синоси,
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонини.

Гуллаётган, ўсаётган элдор бу,
Зулмат йўли тўсайган элдор бу,
Инсон номин беъатман элдор бу,
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонини.

Айланай

Кўзгунчоғинг кўйма асти, дилдорим,
Ай, айланай, ноқинҳол қаддингдан.
Кузагини хушбўй этган баҳорим,
Ай, айланай, атиргулим, атрингдан.

Икки кўзим мансим, икки дағирим,
Сўзи навоит, қилқилари шакарим,
Мирзо Улуғбеким, Мирзо Анаварим,
Ай, айланай, сабза урган хаттингдан.

Майис бўлиб саратонда куйган эл,
Боласидан даласини суйган эл,
Яхши кунни фақат тўйга куйган эл,
Ай, айланай, киприқдаги гардингдан.

Баъзан кўнгал учун кўнгал сўралар,
Ким термулар, кимдир секин муралар,
Ай, дўстларим, улфатлару жўралар,
Ай, айланай, номароғинг мардингдан.

Омон эди орзу, тилагим кеча,
Тангирим, боқдинг чўқур юрагимгача,
Бедаво дард бердинг суягимгача,
Ай, айланай, танаб берган дардингдан.

Фидойилар керак

Оталар, оналар, бузун сизлардан —
Эзгу амалларга дуолар керак.
Кўксидан ўти бор ўғил-қизлардан —
Фидойилар керак, фидолар керак!

Минг йиллик ўсишлар дилгиззададир,
Авиёлар ўнгу сўлгиззададир.
Ватан истиқболи қўлгиззададир,
Фидойилар керак, фидолар керак!

Тупроққа қоринар қимчи ҳавойи,
Қулқидир — табиалинг одил жазойи.
Керак бўлса, жанга кирган Навойи —
Фидойилар керак, фидолар керак!

Бор умри зулматда ўтганлар қанча,
Озодлик садосини кутганлар қанча,
Кутиб, армонларда кетганлар қанча,
Фидойилар керак, фидолар керак!

Элим деб, юртим деб оёққа қалқа,
Секинчадан кўзларда ёшлар ҳам қалқа.
Катта йўлга чиққан бу улуг халққа —
Фидойилар керак, фидолар керак!

Авлиёлар султони,
нақшбандия тариқати асосчиси, жоҳон тарикати
давомчиси, буюқ тарбиячи, атоқли аллома Ҳазрат Баҳоуддин
Нақшбанднинг номини тилга олиш шўролар замонасида таққилан-
ган, зиёратгоҳлари яримвайронага, жомеълари жамоа ҳўжалиги
омборхонасига айланган эди.
Минг шўқри, истиқлол йилларида Юртбошимиз
саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари билан
Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мажмуалари
обод этилди.

1993

Йил Ҳазратнинг
675 йиллиги юр-
тимизда кенг ни-
шонланди. Нақшбандия тари-
қати моҳиятини тушунирувчи
қўллаб асарлар, "Мақомот"лар
чоп этилди.

Айтиш жоизки, Ҳазрат Ба-
ҳоуддин чинакам маънода, ав-
вало, тарбиячи эдилар. Дунёда
касбу корлар, вазифалар кўп.
Лекин энг мушқули — тарбия-
чи инсоннинг ички оламини
кўради. Аниқроқ айтганда, ер
юзид катта касрни беэмак-
дан кўра, инсон қалбидаги қаср-
ни беэмак оғир ва машаққат-
лидир. Тариқат пирлари аввал
ўз қалбларидаги қасрни беэа-
нганлар. Уни обод ва беихоқ
даражада гўзал қилганлар. Ал-
ҳол, Яратганнинг назари ин-

сон қалбига қаратилган. Демак,
қалб гўзал бўлса, вужуд ҳам
шу қадар гўзал. Қалб ҳалол
бўлса, бутун вужуд ҳалолдир.
Чунки, муборак ҳақисда шун-
дай бир таққид янграйди: "Огоҳ
булинглар, вужудда шундай бир
гўшт парчаси борки, агар у
соғлом бўлса, бутун вужуд соғ-
ломдир. Агар у бузилса, бутун
вужуд бузилур. Бу қалбдир".

Таассуфки, биз, бандалар
кўпинча ташқи оламимизни бе-
зағша, уни қароғон қилишга
тутинамиз. Қалбимизнинг ичи
қоронғуликда қолиб кетётган-
ини сезмаймиз. Ваҳоланки,
ҳар биримизнинг қалбимизда

гўзал ахлоқ, метин бардош, юк-
сак истеъдод шамлари бор. У
шамларни ёқиб керак. У эса
ў з - ў з и д а н
ёнмайди.

Ҳазрат Ба-
ҳоуддин дейди-
лар: "Бизнинг
қўлимизга Яратгандан чақмоқ-
тош бериб қўйилгандир, токи
солиқлар қалбидаги шамни
мана шу чақмоқтош ёрдамида
ёндирайлик ва уларнинг қалби
нурашон бўлсин, зулматдан
қутулсин!"

Баайни хонани зулмат қам-
раб олган бўлса, у жойдаги но-
тозаллик кўзга намоён бўлмай-

ди. Ёруғлиқнинг шарофатидан
биз уйимизни, теварак- атро-
фимизни супурагимиз, тозалай-
миз. Алалхусус, қалб хонаси-
ни ҳам тозаломоқ учун аввал
уни ёруғ этишимиз даркор.
Шунда қалбдаги кирлар кўзга
ташланади.

Тасаввуф аҳли тариқатда
ички олам билан ташқи олам,
яъни инсоннинг зоҳирю бо-
тини бир хилда гўзал бўлмоғи

унинг сарбони заҳматини ту-
шунмас.

Ҳазрат Баҳоуддин дейди-
ларки: "Бизнинг вазифамиз
юрақларда муҳаббат уруғини
қадамқ, дарвоқе, айрим юрақ-
ларда муҳаббат уруғи бор, ле-
кин бегона ўтлар бисёрлиги-
дан ул уруғ кўкармасдан қол-
ган. Айрим юрақларда эса ул
уруғ йўқдир. Биз ул юрақлар-
даги бегона ўтларни юлиб

ёлғончилик, бузғунчилик, мута-
ассиблик каби иллатлардир.

Ҳазрат Баҳоуддин: "Бизнинг
тариқатимиз суҳбатдур", де-
ганлар. Айнан орифона суҳ-
бат воситасида буюқ дониш-
манд инсонларни тарбият
қилганлар.

"Тариқат — халққа хизмат!"
— деган эдилар Шайх Саъдий.
Дарҳақиқат, тариқатнинг асоси
халққа беимннат хизмат ҳисоб-
ланади. Шу боис, улугларимиз-
дан осмонлар обидлар: мас-
жиду мадраса, қарвонсарой,
сардобалар, шунингдек, дур-
дона асарлар ҳам мадрос
бўлиб қолди.

Ҳазрат Баҳоуддин айтганлар:
"Шамдай ҳаёт ўтказ: ҳамма-
нинг уйини нурашон этиб,
ўзинг қоронғуда бўл!"

Ҳазрат Баҳоуддин бамисли
қувшдай ҳаёт кечирдилар. Қўёш
ўз нурини оламга баравар
улашгандек, Ҳазрат Баҳоуддин
ҳам маърифат нурини барчага
ўз даврларида, ҳозир ҳам, бу-
дан кейин ҳам улашаверадилар.

Шундай экан, маърифат
қўёши нурини қайта порлатган
мустақиллигимизга кўз тега-
син, у абадий пойдо бўлсин.

Садриддин САЛИМ
БУҲОРИЙ.

Буюқ тарбиячи

Мерос

моҳир овчига ўхшайди. Улар
нозиклик билан ваҳший жони-
ворларни қўлга оладилар ва
толибни ваҳшийлик сифатидан
одамийлик мақомига етказди-
лар."

"Ваҳший" инсон, бу ўзини
таннимаган кишидир. Ўзини та-
ннимаган Яратгани, миллатни,
ватани таннimas, истиқлол ва

оламиз, қалблар покиза бўла-
ди, шундан сўнг муҳаббат
уруғлари кўкарайди. Муҳаб-
бат уруғи бўлмаган юрақлар-
га эса ул уруғларни қадай-
миз."

Муҳаббат уруғи деганда Ҳаз-
рат Баҳоуддин имон-этиқодни,
шунингдек, халққа, элу юртга
бўлган муҳаббатни тушуниган-
лар.

Қалбда муҳаббат уруғи
бўлмаган ёхуд қалбни бегона
ўтлар қоплаган киши "ваҳший-
лик" сифатига эгадир. Қалб-
лардаги бегона ўт, бу — ҳасад,
таъмағирлик, шўхратпарастлик,



Р. ШАҒАЕВ сурат-лавахсис.

БЕГУ НИЯТЛАР ПЕРВОЗИ

ЖАЛОЛИДДИН САМАНИ

Жалолитдин Мангубердиннинг мислсиз қаҳрамонликлари, мўғулларга қарши олиб борган мардона кураши тарихдан маълум. Шунингдек, Жалолитдиннинг қаҳрамонлиқларига қайсидир маънода шерик бўлган, унинг машаққатларини енгилаётган жонивор — саман от ғаройиб хатти-харакатлари билан ўз номини тарихга муҳрлагани ҳам бор гап. Бежизга халқимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов: «Жалолитдин самани бўлиб, сакраб ўтдинг Амурдарёдан», деб ёзмаган.

Султон Жалолитдин Парвонда мўғуллар устидан катта ғалабага эришиб, ёғининг 60 минглик лашкарини тор-мор этади. Бу унинг мўғуллар устидан эришган биринчи катта ғалабаси эди. Бироқ мана шу ғалаба унга қимматта тушадиғандек.

Гап шундаки, ғалабадан кейин ўлжани тақсимлаш пайтида иккита нуфузли амир келишолмай қолган: Улардан бири Жалолитдиннинг тарафимни олмади, деб 30 минглик лашкари билан қўшиндан ажралиб кетади.

Табиийки, Ватан тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда амирларнинг бундай йўл туттишдан Жалолитдин сикилади. Аммо у амирга ялинишни кўрмайди.

Тарихингдир минг асрлар... дин беҳтёр Шу тариха, унинг ёлдан туган. Саенди қуватланиб келаётган қўшин амирларнинг очқўзлиги туфайли икки ғалаба бўлиниб кетган. Бунинг устига, Парвондаги мағлубият ҳақида эшитган Чингизхон ғазабдан титраб, бутун лашкари билан йўлга отланади. Унинг нияти, Жалолитдинни узил-кесил тор-мор этиш...

Жалолитдиннинг қандай йўл туттишини олдиндан сезиб, кечаю кундуз йўл тортган Чингизхон Синд киргоғига у билан деярли бир пайтда етиб келади. Ноилоҳ қолган Султон жанг қилишга мажбур бўлади.

Икки ўртада қақшатиқ жанг бормоқда. Мўғулларнинг сон-санойи йўқ, бирини ўлдирсанг иккинчиси пайдо бўлмоқда, гўёки уларнинг охири йўқдек. Ватан ҳимоячиларининг сафи сийрақлашиб бораёттир. Бунинг устига айна жанг қизиб турган ғалабада Жалолитдиннинг 12 яшар ўғли асир тушиб қолади. Боланинг Султон ўғли эканини билган Чингизхон уни ўз қўллари билан бўғиб ўлдирган.

Мудҳиш воқеани кўтчилик кўрди. Султон онаси ва унинг ҳарамидоғилар ўзларининг ҳам бошига шу савдо тушмаслиги учун Жалолитдиндан ўз қўллари билан ўлдирганини сўрашади.

...Вазият қалтис, турли ружий изтиробларни бошидан кечираётган Жалолитдин онаси ва ҳарамидоғиларини Синд дарёсига фарқ қилишга соладиган бу буйроқ иложсизликдан бажарилади — ҳаммаси дарёга фарқ этилади...

Бошқа йўқотадигани қолмаган Султон Жалолитдин мўғуллар сафини ёриб кириб, қирғин қила бошлайди. Унинг қўлидаги қилли худди пишиб-етилган ғаллани ўраётган ўрқдек ёғийларни қўлатмоқда. Аммо инсоннинг жисмоний имкониятлари чексиз эмас. Кенга бориб, Жалолитдин қолдан тояди. Бунинг устига, атрофида шерикларидан ҳеч ким

қолмаган, айёр мўғуллар эса халққа олиб келишмоқда. Жалолитдин саманини ёғий томонга буради, йўл-йўлақай уларнинг бир қанчасини ўлдирди, ўзига йўл очади. Кейин эса саманини ортага кескин буриб, сўнгра тўқилган қондан қипқизил тусга кирган жониворни дарё томонга ниқтайди. Иккиси ҳаммани лол қилириб, 7-8 мертик жардан қутириб турган Синд дарёсига сакрайди. Ҳатто, унинг бу жасоратини кузатиб турган Чингизхон ўғилларига ибрат сифатида кўрсатади.

Саман тўлқинларни кесиб, эгчиллик билан ҳаракатланиб, эгасини киргоғқа қараб судрайди. Жалолитдин беҳтёр туган. Саенди қуватланиб келаётган қўшин амирларнинг очқўзлиги туфайли икки ғалаба бўлиниб кетган. Бунинг устига, Парвондаги мағлубият ҳақида эшитган Чингизхон ғазабдан титраб, бутун лашкари билан йўлга отланади. Унинг нияти, Жалолитдинни узил-кесил тор-мор этиш...

Жалолитдиннинг қандай йўл туттишини олдиндан сезиб, кечаю кундуз йўл тортган Чингизхон Синд киргоғига у билан деярли бир пайтда етиб келади. Ноилоҳ қолган Султон жанг қилишга мажбур бўлади.

Икки ўртада қақшатиқ жанг бормоқда. Мўғулларнинг сон-санойи йўқ, бирини ўлдирсанг иккинчиси пайдо бўлмоқда, гўёки уларнинг охири йўқдек. Ватан ҳимоячиларининг сафи сийрақлашиб бораёттир. Бунинг устига айна жанг қизиб турган ғалабада Жалолитдиннинг 12 яшар ўғли асир тушиб қолади. Боланинг Султон ўғли эканини билган Чингизхон уни ўз қўллари билан бўғиб ўлдирган.

Мудҳиш воқеани кўтчилик кўрди. Султон онаси ва унинг ҳарамидоғилар ўзларининг ҳам бошига шу савдо тушмаслиги учун Жалолитдиндан ўз қўллари билан ўлдирганини сўрашади.

...Вазият қалтис, турли ружий изтиробларни бошидан кечираётган Жалолитдин онаси ва ҳарамидоғиларини Синд дарёсига фарқ қилишга соладиган бу буйроқ иложсизликдан бажарилади — ҳаммаси дарёга фарқ этилади...

Бошқа йўқотадигани қолмаган Султон Жалолитдин мўғуллар сафини ёриб кириб, қирғин қила бошлайди. Унинг қўлидаги қилли худди пишиб-етилган ғаллани ўраётган ўрқдек ёғийларни қўлатмоқда. Аммо инсоннинг жисмоний имкониятлари чексиз эмас. Кенга бориб, Жалолитдин қолдан тояди. Бунинг устига, атрофида шерикларидан ҳеч ким

қолмаган, айёр мўғуллар эса халққа олиб келишмоқда. Жалолитдин саманини ёғий томонга буради, йўл-йўлақай уларнинг бир қанчасини ўлдирди, ўзига йўл очади. Кейин эса саманини ортага кескин буриб, сўнгра тўқилган қондан қипқизил тусга кирган жониворни дарё томонга ниқтайди. Иккиси ҳаммани лол қилириб, 7-8 мертик жардан қутириб турган Синд дарёсига сакрайди. Ҳатто, унинг бу жасоратини кузатиб турган Чингизхон ўғилларига ибрат сифатида кўрсатади.

Саман тўлқинларни кесиб, эгчиллик билан ҳаракатланиб, эгасини киргоғқа қараб судрайди. Жалолитдин беҳтёр туган. Саенди қуватланиб келаётган қўшин амирларнинг очқўзлиги туфайли икки ғалаба бўлиниб кетган. Бунинг устига, Парвондаги мағлубият ҳақида эшитган Чингизхон ғазабдан титраб, бутун лашкари билан йўлга отланади. Унинг нияти, Жалолитдинни узил-кесил тор-мор этиш...

Донолар бисотидан

Инсон бахтли бўлмоққа маҳкум. Агар у бахтсиз бўлса, ёлғиз ўзи айбдор. Бу ҳолда ушбу англашилмовчилик ёки ўнғайсизликни бартараф этгунча ҳаракатдан тўхта-маслик лозим.

Хаёт шубҳасиз, чеки йўқ қувонч манбаи бўлмоғи даркор.

Ақлсиз бош пиликсиз чироқ кабидир.

x x x

Улуг ҳақиқатлар жуда ҳам жўндир.

x x x

Инсонлар қаршисида уялиш — яхши тўйғу. Аммо ҳаммасидан яхшироғи ўзингдан уялишдир.

ОТА МЕҲРИ

Холбой ота туни билан мижжа қоқмади. Фикру ҳаёли Тошкентда яшаётган тўнғич фарзанди Улугбекда. Ана келади, мана келади, деб хаш-паш дегунча олти ой ҳам ўтиб кетибди. Бош ука-синглининг ташвиши шу бечорада.

ли орттирган оғайни, таниш-билишлари билан маслаҳатлашган ҳолда, укаларини ҳаётда тўғри йўналиш олишига қўмақлашди.

Шуларни ўйларкан, ота бугун, албатта, уйда боқилаётган кўжорлардан бирини сўйиб, гўштини ўғлига бериб юборишни қўнғилга тугиб қўйди... Холбой ота гўштини яхшилаб қоғоз қутига жойлаштириб, уйдан шундоқ бир чақирим нарида жойлашган автобекатга келди. Шу пайт: "Ҳа, Холбой ота, бу ерда нима қилиб юрибсиз?" — деган таниш овоз

эшитилди. Орқасига ўгирилиб қараса, машинасида кира қиладиган қўшниси Каримжон туриб келди. Унга гап нимадалигини тушунирди. Кутилмаганда Каримжон, "Яхшиси, ўзингиз менга ҳамроҳ бўлиб Тошкентга бориб келмайсизми?" дея тақлиф қилиб қолди...

Шундай қилиб, Холбой ота оёғидаги қалиш ва эғнидаги эски тун билан пойтахтга етиб келди. "Дом"нинг ҳовлисида отани кўрган Улугбекнинг қўшнилари у ҳозир хизмат сафарига эканини, бугун-эрта келиб қолишини, оиласи эса болаларини олиб Чинозга, опасникига меҳмонга кетганини айтишиб ичкарига тақлиф этиш-

ди. Шунда иккинчи қўшни шундай меҳр-оқибатли фарзанд воёга етказгани учун Холбой отага раҳмат айтarkan, унинг гапни учинчиси давом эттириб, Улугбекнинг фарзандларини таърифлай кетди. Бу гапларни эшитган Холбой ота қалбдан тўлқинланди. Бир муддат қўшнilar билан сўхбат қургандан сўнг, ўрнидан турди-да, катта-роқ бир патнис билан пиноч бериб туришларини илтимос қилди.

Эртаси куни пешинга яқин Улугбек хизмат сафаридан қайтиб, ўзи яшайдиган беш қаватли уйнинг йўлагига кираркан, қандайдир бир ажиб ва қадрдон ҳидни сезгандек бўлди. Ҳа, у янглишмаган эди. Улугбек энг юқори қаватга — хонадонига кўтарилигунча, қўшнилари унга нуруний отахоннинг саховатини айтиб, падари бузуқворни ҳақиқа дуолар қилишиди. Улугбек кишлоқдан қолган икки донна таңдир нони пешонасига суртиб ўларкан, қилбоғини нақадар соғинганини, ярим йилдан бунён қилш-логига бора олмагани боис, отаси хавотирланиб келганини тушуниди. Энг муҳими, ота меҳри бир олам эканлигини Улугбек яна бир бор англаб етди...

Обиддин МАҲМУДОВ.



зи хориждаги нуфузли олий ўқув юртиларидан бирини "аъло" баҳола-ра битириб келган, укаларини ҳам Тошкентни азиямга олиб кетиб, ўша ерда "репетитор"ларга қўйиб, барчасининг олий таълим муассасаларида давлат гранти эвазига тахсил олишига сабабчи бўлди. Ҳа, шунга қўйиб, ишлаган гади келганда ҳам, қараб турмади. Узининг хушмуомалалиги, дўстларга садоқати ва меҳр-оқибати туфай-

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 25961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Т-Тижорат материал
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.30
Топширилди — 1.30 123456 8

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусахҳох — Х. Топхўжаев.